

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ НУРИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in economic sciences**

Расулов Нуриддин Абдуллаевич

Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини
такомиллаштириш..... 3

Расулов Нуриддин Абдуллаевич

Совершенствование механизма финансирования инновационных
процессов..... 27

Rasulov Nuriddin Abdullayevich

Improving the mechanism of financing innovation processes..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ НУРИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt582 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Zivonet» таълим ахборот тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Олимжонов Одил Олимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хайдаров Низамиддин Хамраевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молния институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.I.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» август соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871)232-60-47, факс: (99871) 239-17-83), e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871)232-60-47, факс: (99871) 239-17-83), e-mail: info@dba.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» август куни тарқатилди.

(2021 йил «17» август даги 11 рақамли реестр баённомаси).



Ш.А. Тошматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Исламкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти 2020 йил таҳлилий маълумотларига кўра, COVID-19 пандемияси Глобал инновацион индекс ва инновацияларнинг узок муддатли ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, «...глобал миқёсда инновацияларга сарф-харажатлар 5,2 фоизга ўсган бўлишига қарамасдан, ушбу кўрсаткич молиявий инқироздан кейинги тикланиш жараёнидаги жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг ўсиш суръатларидан юқорироқ бўлган¹.

Жаҳонда инновацион маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг кўпайиши натижасида ихтирочи, инноватор ва ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ортиб бориши, соҳаларда инновацион жараёнларни ташкил этишда давлат буюртмаси, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, венчур фондлар, илмий инновацион кластерлар, бизнес-фаришталар, краудфандинг каби молиялаштиришнинг замонавий механизмлардан фойдаланиш ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш – илмий тадқиқотларнинг устувор мақсадларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда «... инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади»². Мазкур вазифани бажариш республикада юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда, сифат жиҳатидан янги босқичдаги маҳсулотларни яратиш, корхоналарни модернизация ва диверсификация қилиш, ресурслар тежамкорлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда уларни молиялаштиришда самарали замонавий механизмлар қўллашни тақозо этади. Лекин анъанавий иқтисодиётни инновацион иқтисодиётга айлантиришга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 24 ноябрдаги 5583-сон «Тадбиркорлик ва инновацион соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини

¹ https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2020/article_0017.html

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б.88.

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновация, инновацион жараён ва уларни молиялаштириш механизмнинг илмий, назарий ҳамда амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Гретченко, А.Тиньгаев, А.Шишкина, А.Элларян, А.Асаул, Б.Капаров, В.Перевязкин, В.Медынск, Г.Панова, Д.Кокурин, Ж.Сенгпута, Е.Румянцева, И.Довбий, Й.Шумпетер, М.Купричев, М.Стартовойтов, Н.Арсзуловисз, Н.Волынкина, П.Завлин, А.Казанцев, Л.Миндели, П.Тротт, Р.Абасов, Р.Фатхутдинов, В.Бешенков, Л.Гохберг, В.Медынск, Я.Никонова каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган³.

Ўзбекистонда А.Ваҳобов, А.Исламкулов, А.Кучкаров, А.Тўйчиев, Б.Салимов, Г.Федяшева, Д.Шадиева, И.Солиев, М.Хамидулин, Н.Каримов, Н.Ризаев, Н.Ҳайдаров, О.Олимжонов, С.Ачилова, С.Гиясов, С.Ғуломов, Т.Маликов, Т.Расулов, Т.Тешабоев, У.Сангирова, Ф.Шакирова, Х.Абулкасимов, Ш.Азимова, Ш.Синдаров, Ш.Тошматов ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган⁴.

³ Абасов Р.Г. Механизмы банковского финансирования инновационного развития экономики. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук – Краснодар, 2014. – 189 с.; Arszulowicz N. «Investments in R&D as a determinant of innovation in the economy». III Ogólnopolska Konferencja Naukowa, «Współczesne problemy ekonomiczne w badaniach młodych naukowców». – Biał.: «Uniwersytetu w Białymstoku, 2019. – P. 91-107.; Sengupta J. Theory of Innovation: A New paradigm of growth. – Dordrecht.: «Springer», 2014. – 160 p.; Terwiesch Ch. Ulrich K. Innovation Tournaments: Creating and Selecting Exceptional Opportunities. – Boston.: «Harvard Business School Press», 2009. – 304 p.; Trott P. Innovation Management and New Product Development. 6th Edition. – Harlow.: «Pearson», 2017. – 635 p.; Асаул А.Н., Капаров Б.М., Перевязкин В.Б., Стартовойтов М.К. Модернизация экономики на основе технологических инноваций. – СПб.: «АНО ИПЭВ», 2008. – 606 с.; Волынкина Н.В. Правовая сущность термина «инновация». // Инновации. 2006. №1(88). – С.64-69. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-suschnost-termina-innovatsiya/viewer>; Гретченко А.А. Инновационная экономика. Монография. – М.: «Палеотип», 2010. – 116 с.; Довбий И.П. Принципы кредитного обеспечения инвестиционно-инновационных процессов региона. – Челябинск: «ЮУрГУ», 2011. – 259 с.; Завлин П.Н. ва бошқ. Инновационный менеджмент: Справочное пособие. – СПб. «Наука», 2008. – 568 с.; Купричев М.А. Совершенствование механизмов финансирования инноваций в России. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук – Москва, 2014. – 205 с.; Кокурин Д.И. Инновационная деятельность. Монография. – М.: «Экзамен», 2001. – 575 с.; Никонова Я.И. Инновационная политика в системе государственного регулирования устойчивого развития национальной экономики. – Новосибирск. «НГТУ», 2010. – 260 с.; Никонова Я.И. Инновации как инструмент стратегического антикризисного управления. – Новосибирск. НГТУ, 2009. – 424 с.; Панова Г.С. ва бошқ. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: «Финансы и статистика», 2002. – 1168 с.; Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М.: «ИНФРА-М», 2005. – 722 с.; Тиньгаев А.М. Совершенствование механизма финансирования инновационных кластеров региона. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук – Саранск, 2014. – 194 с.; Фатхутдинов Р.А. ва бошқ. Инновационных менеджмент учебник для ВУЗов. – СПб. «Питер», 2008. – 448 с.; Шишкина А.В. Финансовый механизм активизации инновационного процесса. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук. – Иванова, 2013. – 153 с.; Шумпетер Й.А. «Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия» / предисл. В.С. Автономова пер. с нем. – М.: «ЭКМО», 2008. – 864 с.; Элларян А.А. Механизмы финансирования инновационных процессов. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук – Москва, 2012. – 173 с.

⁴ Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. – Т.: «Ташкентский государственный институт востоковедения», 2017. – 379

Бирок, мазкур илмий ишларда республикада инновацион жараёнларни молиялаштиришдаги механизмларни такомиллаштириш комплекс ва тизимли равишда тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу ҳолат тадқиқот ишида илмий инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизми қўлланилишидаги муаммолар, уларни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий инновацион асосда шакллантиришда инновация, инновацион жараён, молиялаштириш механизмнинг моҳияти, аҳамияти ва асосий вазифаларини аниқлаштириш ҳамда муаллиф позицияларини ишлаб чиқиш;

с.; Азимова Ш.С. Пути обеспечения инновационного развития кредитной деятельности коммерческих банков Узбекистана. Дисс. на соиск... кандидат экономических наук. – Тошкент, 2019. – 137 с.; Ачилова А.П. Формирование рынка телекоммуникаций Узбекистана на основе развития инновационных процессов. Автореферат дисс. кандидат экономических наук. – Т., 2012. – 28 б.; Вахабов А.В. ва бошқ. Модели управления научно-инновационной деятельностью вузов. Монография. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2006. – 242 с.; Вахабов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: «NOSHIR», 2012. – 710 б.; Гиясов С.А. Корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. Т.: 2019, - 193 б.; Исламкулов А.Х. ва бошқ. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Тошкент: «Молия», - 2015. – 150 б.; Каримов Н.Ф., Дўстов Ф.И. Инновациялар: иқтисодий моҳияти ва уларни тижоратлаштириш муаммолари. Иқтисодий ва таълим журнали. – Т., 2020. №1. – Б.40-46.; Кучкаров А.А. ва бошқ. Национальная инновационная система Узбекистана: Оценка потенциала и результативности. Совместным проектом ПРООН и правительства Узбекистана. – Т., 2011. – 100 с.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик. – Т.: «IQTISOD – MOLIYA», 2019. – 755 б.; Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. – 288 б.; Олимжонов О.О. Инновация ютуқларини жорий этишни молиялаштириш такомиллаштириш. / Эффективное использование социально-экономического потенциала и привлечение новых источников экономического роста. Материалы VI форума экономистов. Том I. – Т.: «IFRM», 2015. – С.372-377.; Ризаев Н.К. Республикасининг инновацион ривожланишида интеллектуал мулк объектларининг роли. Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. - Т., 2018. №3.; Салимов Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. – Т.: «Иқтисодий». 2020. – 135 б.; Сангирова У. Развитие инновации в агропромышленном комплексе Узбекистана: проблемы и пути решения. Монография. – Т.: «ТИИИМСХ». 2019. – 132 с.; Синдаров Ш.Э. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2011. – 152 б.; Солиев И.И. Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларнинг ривожланиши. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: 2010. – 157 б.; Тешабаев Т.З. Инновацион университетни молиялаштириш масалалари. Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – Т., 2018. №3. <http://www.interfinance.uz/en/argiv/238-ikkiz20182307>; Тошматов Ш.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда электрон тижоратдан фойдаланиш истиқболлари. // Интерактив хизматлар-божхона органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи: Республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: Олий ҳарбий божхона институти, 2017. – Б.10-13; Тўйчиев А.Ф. Бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш И.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т.: 2020. – 143 б.; Хамидулин М.Б. Венчурное финансирование инноваций. Илм-фан ва инновацион ривожланиш журнали Т., «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 2019. №1 – С.7-13.; Шадиёва Д. Анализ мировых тенденций финансирования инновационной деятельности. Мировое и национальное хозяйство. М.: «МГИМО» – 2016. №2(37) //mirec.mgimo.ru/2016-02/.; Шакирова Ф.Б. Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 146 б.; Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодий технологиялар Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-Молия». 2019. – 447 б.

Ўзбекистонда инновацион жараёнларни қонунчилик нормалари асосида тартибга солиш амалиётини баҳолаш;

инновацияларни молиялаштириш механизми соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон шароитида амалиётга жорий этиш имкониятларини аниқлаш;

бюджет маблағлари асосида илмий-тадқиқот ва инновацияларни ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этиш тенденцияларини аниқлаш;

кичик корхоналарнинг инновацион инфратузилмани ривожлантириш ва инновацияларни мустақил молиялаштиришдаги иштироки ҳолатини баҳолаш;

инновацион фаолиятни анъанавий механизмлар ёрдамида молиялаштириш жараёнида йўл қўйилаётган хато, камчилик ва муаммоларни аниқлаш;

илмий-тадқиқот лойиҳалари, инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этишни молиялаштириш механизмларининг замонавий моделлари, давлат-хусусий шерикчилиги ҳамда илмий инновацион кластер усулларида фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда инновацион жараёнлар билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инновацион жараёнлар билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни молиялаштириш жараёнида юзага чиқадиган молиявий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш, иқтисодий-статистик, қиёсий, график-таҳлил, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларга қилинадиган харажатларнинг миқдорини ошириш, хатар даражасини юмшатиш, ўзаро ҳамкорликдаги маблағлардан фойдаланиш асосида самарадорликка эришишни таъминлаш мақсадида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг 50/50 механизмида фойдаланиш тавсия этилган;

хориждан инвестиция маблағларини жалб қилиш ва уларнинг инновацион маҳсулотларни молиялаштиришдаги таваккалчиликларни юмшатиш мақсадида хорижий инвестицион бошқарув компанияларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш асосланган;

ҳудудлар инновацион салоҳиятини ривожлантириш, кичик иқтисодий зоналар фаолиятини янада фаоллаштириш, юқори технологик муҳитни яратиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда илмий инновацион кластер усулидан фойдаланиш таклифи асосланган;

илмий, инновацион ишланмалардан якуний маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг буюртмачи бўлиши мақсадга мувофиқ эканлиги таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий, инновацион ишланмаларга сарфланадиган харажатлар миқдорини ошириш, бюджет билан биргаликда хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш ва натижада молиялаштиришнинг замонавий механизмларидан бири давлат-хусусий шерикчиликдан фойдаланиш бўйича таклифлар берилган;

инновацияларни молиялаштиришдаги таваккалчиликларни юмшатиш мақсадида инвестицион бошқарув компанияларини ташкил этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар илгари сурилган;

кичик саноат зоналаридан фойдаланиш орқали худудларнинг инновацион салоҳияти ривожлантириш, юқори технологик муҳитни яратиш мақсадида кластер усулидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

республикада илмий-инновацион муҳитни янада такомиллаштириш, яқуний маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида давлатни буюртмаси механизмидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш хусусидаги иқтисодчиларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда бошқа амалий манбалар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шакллантирилган илмий-амалий таклифлардан ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион жараёнларни молиялаштиришдаги анъанавий механизмларни босқичма-босқич янада такомиллаштириш ва замонавий усулларни амалиётга жорий этишга оид назарий-методологик аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан фаол шуғулланувчи корхоналарда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва таклифларни жорий қилиш республика бўйича инновацион ишланмалар ва илмий-техник ютуқларни амалиётга жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берди. Шу билан бир қаторда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган таклиф ва тавсиялар 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали ижросини таъминлаш ва инновацион муҳитни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган таклифлари асосида:

давлат-хусусий шерикчилик механизмдан фойдаланиш орқали инновацион ишланмаларга қилинадиган харажатларнинг миқдорини ошириш, хатар даражасини юмшатиш, ўзаро ҳамкорликдаги маблағлардан фойдаланишда 50/50 усулини қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 05-05/5215-сон маълумотномаси). Натижада, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг 50/50 механизми асосида саноат соҳасида 2020 йил якунига қўра, 15 млрд.сўм миқдорида илмий инновацион лойиҳаларнинг молиялаштиришга эришилган;

инновацион маҳсулотларни молиялаштиришга инвестицияларни жалб қилишдаги таваккалчиликни юмшатиш юзасидан хорижий инвестицион бошқарув компанияларини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги 5583-сонли «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 05-05/5215-сон маълумотномаси). Натижада, инвестиция ва бошқарув компанияларини ташкил этиш асосида «Фарғона водийсида тадбиркорликни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун 8 млн.доллар миқдоридаги инвестициялар жалб этишга эришилган;

ҳудудларда инновацион салоҳиятни ривожлантиришда, кичик саноат зоналаридан фойдаланиш орқали юқори технологик муҳитни яратиш мақсадида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда кластер усулидан фойдаланишни кенгайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 05-05/5215-сон маълумотномаси). Натижада, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан илмий инновацион кластерларни шакллантиришга 2021 йилда умумий қиймати 584,2 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилишига эришилган;

илмий, инновацион ишланмалардан якуний маҳсулотлар ишлаб чиқариш, унга патент бериш тартиби жорий этилишини молиялаштиришда давлатнинг буюртмачи сифатидаги ишитироки зарурлиги илмий асосланган ва уни қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 05-05/5215-сон маълумотномаси). Натижада, давлат

буюртмаси механизми асосида 2020 йил 9 ойлик якунига кўра, 87,2 млрд.сўм миқдорида аниқ якуний турдаги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда жами 7 та мақола, улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 8 та иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмининг асослари**» деб номланиб, унда инновацион жараёнлар ва уларни молиялаштириш механизмининг назарий асослари танқидий ўрганилган; инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тавсифи ёритилган; ривожланган мамлакатларда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизми тавсифлаб берилган.

Инновация ҳозирги кун иқтисодиётининг энг долзарб масаласи инқирозни бартараф этишдаги ечим эканлигини исботлади. Унинг иштироки замонавий муҳитни яратишга асос солаётганлигини инобатга олиб, ушбу атама бўйича назарий қарашлар ва таърифларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Ушбу тушунчани илк бор Й.Шумпетер илмий муомалага киритган бўлиб, унинг фикрича, «инновация – даромад олишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминловчи манбадир»⁵.

Инновация – гоё ёки ихтирони компания учун қиймат яратадиган ёки мижозлар томонидан маҳсулот ва хизматга ҳақ тўлаш жараёнидир⁶.

⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: «Прогресс», 1982. – С.23.

⁶ Vecchi A., Brenan L. Global Business Opportunities. – Boston, Massachusetts: «Credo Reference», 2015. – P. 671.

Шу билан бирга, миллий адабиётларда «инновация» тушунчасига таърифлар берилган бўлиб, хусусан, инновацион фаолият тўғрисидаги қонунга кўра, инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фодаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланмадир⁷.

А.Норов фикрича, «инновация – ишлаб чиқаришнинг технологик асосларини тубдан модернизациялаш натижасини акс эттиради ва янгилик бўлганлиги туфайли, биринчидан, маълум бир иқтисодий субъектнинг юқори даражадаги ноаниқлиги, иккинчидан, унинг ҳаётий цикли давомида узок муддатли самараси билан тавсифланади, яъни инновацион жараённинг узлуксизлиги ҳисобга олинади. Бундан келиб чиқадики, инновация ўзига хослик ва доимийликни уйғунлаштиради»⁸.

Б.Тошмуродова ва Н.Жияновалар фикрига кўра, «инновация - ўз ичига нафақат техник изланишларни, балки корхона иши усулидаги янгиликларни ҳам олади»⁹

Инновация атамаси иқтисодий тараққиётнинг илғорлашиши натижасида, ўзининг туб маъносини ўзгартирмаган ҳолда такомиллашиб бориши ҳар бир тадқиқотчи ва амалиётчилар томонидан берилган таърифлардан маълум. Ушбу таърифларнинг негизи Й.Шумпетер томонидан илгари сурилган назария ва тамойилларга таяниши ҳамда даврий ривожланиш асосида такомиллаштириб бориши кузатилди.

Муаллиф фикрича, «инновация – ривожланиш даврининг ўзига мос илмий ютуғи ҳисобланиб, унга кўра, ҳар қандай муваффақиятли илмий ғоя, ишлаб чиқаришга тақдим этилган янги технология ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда барча соҳалардаги бир-бирини такрорламасдан, доимо тўлдириб боровчи ёндашув ёки механизмнинг мақбул жиҳатларини яратишдир».

Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбалари ва механизмлари билан таъминлаш тушунчасини ёритишда хорижий тадқиқотчилар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, И.Довбий фикрича «...иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион ривожланиш муаммоларини ҳал этишнинг долзарблиги инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмлари учун алоҳида концепция ишлаб чиқишни талаб этади. Чунки ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти бир ёки бир неча давлатларда муваффақиятли амалга оширилган муайян бозорни ёки молиялаштириш моделини тўғридан-тўғри кўчириб олиш имконсиздир»¹⁰. Дарҳақиқат, муайян мамлакатнинг иқтисодий ютуқлари ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўзлаштирилади, яъни миллий иқтисодиёт тизимига мувофиқлаштирилади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Инновацион фаолият тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси. Асосий тушунчалар. ЎРҚ-630. 24.07.2020

⁸ Норов Э.А. Инновацион фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштиришнинг назарий ва услубий асослари. – Т.: Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy electron jurnali. – Т., 2020. №1. – Б. 116. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/12_Norov.pdf

⁹ Тошмуродова Б.Э., Жиянова Н. Инновация фаолиятни молиявий рағбатлантириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – Б.11.

¹⁰ Довбий И.П. Принципы кредитного обеспечения инвестиционно-инновационных процессов региона. – Челябинск.: «ЮУрГУ», 2011. – С.18.

Инновацион жараёнларни молиялаштириш, соҳада мавжуд пул оқимларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, молиявий тизимнинг миллий иқтисодий хавфсизликни кафолатлаши учун зарур ҳисобланган ва иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашувчи, молиявий ресурслар ҳаракати билан боғлиқ бўлган репродукция жараёнини, хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шакллантириш қобилиятини тавсифлайди ҳамда мамлакатнинг глобал миқёсда етакчилик ролини ошириб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиради¹¹. Фақат ушбу жараёнда молиялаштириш механизмнинг кафолатланган усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбаларининг ўзаро бири-бирига боғлиқлиги ва мазкур йўналишдаги тадқиқотларни эътиборга олган ҳолда таснифлаш лозим. Инновацион жараёнларни қисқа муддатли молиялаштириш қарз маблағларининг ўзаро муносабатини акс эттирса, узок муддатли молиялаштириш маблағларнинг ўзаро боғлиқлигини батафсил ёритади. Бу эса, инновацияларни яратилишида узок ва қисқа даврни қамраб олишини ҳисобга олиб самарали механизмни танлаш имкониятини яратади.



1-расм. Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбалари таркиби¹²

1-расмга кўра, инновацияларни молиялаштириш механизмнинг субъектлари сифатида давлат, олий таълим муассасалари (ОТМ), молия-кредит ташкилотлари, хусусий сектор, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда бошқалар ўзаро стратегик ҳамкорлар сифатида эътироф этилади. Умуман олганда, ушбу структура инновацион жараёнларни

¹¹ Никонова Я.И. Инновационная политика в системе государственного регулирования устойчивого развития национальной экономики. – Новосибирск: «НГТУ», 2010. – С.24.

¹² Муаллиф ишланмаси.

молиялаштиришнинг алоҳида механизми сифатида фойдаланиш, инновацияларни кенгроқ тартибда яратилишига олиб келади. Натижада келгусида инновацион маҳсулотларни молиялаштиришдаги иқтисодий хатарларни олдини олишда ва аниқ ечимлар асосида ҳаракатланишига асос яратиши мумкин.

Юқоридагидан келиб чиқиб, муаллиф фикрича: «Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизми ҳар қандай босқичдаги лойиҳаларни яратилишида иштирок этувчилар фаолиятининг ўз бўғини даражасидаги молиялаштириши орқали самардорликка эришилишида юзага келади. Яратилаётган инновация ҳар бир босқичдаги яратувчи учун харажатларни камайтириш ва фойда ҳажмини оширишда муҳимдир».

Инновацион жараён ва унинг асосида инновацион лойиҳаларни яратувчилар, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиб, миллий иқтисодиётни инновацион усулда такомиллаштиришга алоҳида ҳисса қўшмоқда. Мамлакатда миллий иқтисодиётнинг инновацион асосда ривожланиши кўп жиҳатдан яратилаётган инновацион лойиҳалар, ғоялар ва уларни амалиётга жорий этишдаги шарт-шароитлар ҳамда энг аввало меъёрий-ҳуқуқий асоснинг мустақамлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Республика ижтимоий-иқтисодий тараққий этишини таъминлашда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлақонли тадбиқ этиш, миллий иқтисодиётни тартибга солиш, давлат дастурлари ижросини назорат қилиш, либераллаштириш, монополияга барҳам бериш, хусусий сектор имкониятини янада кенгайтиришга эришиш кабиларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. Ушбу жараёнларни тартибга солиб туриш имконини берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши инновацион муҳитни яратишда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Шу билан бир қаторда, диссертацияда инновацион жараёнларни молиялаштириш механизми бўйича АҚШ, Европа Иттифоқи (инновацион асосдаги ривожланиши юқори бўлган мамлакатлар), Хитой, Япония, Сингапур каби давлатларнинг венчур, краудфандинг, давлат буюртмаси, давлат-хусусий шериклиги, бизнес фаришталар ва бошқа бир қатор механизмлар таҳлил этилган ва Ўзбекистон иқтисодиётида қўллаш эҳтимолликлари ўрганилган.

Диссертациянинг биринчи бобидаги ўрганишлар ва таҳлилларга кўра, инновацион жараённи шакллантириш, уларни молиялаштириш механизмнинг халқаро даражадаги назарий ва амалий жиҳатларни ҳар қайси мамлакат миллий иқтисодиёти учун сўнгги йилларда энг самарали ечим вазифасини бажармоқда. Шунини ҳисобга олиб, Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янада такомиллаштириш инновацияларга боғлиқ эканлиги ойдинлашди. Аммо инновацион лойиҳаларнинг жорий этилишидаги ва шакллантирилишидаги амалий жараёнларда молиялаштиришнинг ҳар бир самарали механизми тўғридан-тўғри иштирокини ошириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмнинг ҳозирги ҳолати**»га бағишланган бўлиб, инновацион жараёнларни давлат бюджети ҳисобига молиялаштириш таҳлил

этилган; хусусий секторнинг инновацион жараёнларни молиялаштиришдаги роли тадқиқ этилган; инновацион жараёнларни молиялаштириш механизмининг амал қилишидаги муаммолар ва ечимлар ёритилган.

Таҳлилларга кўра, республикада инновацион инфратузилмани юзага келиши, ИТТКИларни шакллантирилиши ва уларни босқичма-босқич такомиллаштиришнинг даврий ривожланиб бориши ва глобаллашуви 1-жадвалда акс этган.

1-жадвал

Ўзбекистонда ИТТКИлар асосидаги инновацион жараёнларнинг ривожланиш босқичлари¹³


№	давр	хусусиятлари
1.	Пайдо бўлиш (шаклланиш) даври 1991-2006 йй.	Бу даврда барча соҳаларда мустақилликка эришишга, илм-фан салоҳиятини юксалтиришга, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни шакллантиришга, соҳаларни ҳимоя қилишда қонунчилик базасини ишлаб чиқишга эришилди.
2.	Ривожланиш даври: 2006-2017 йй.	Бунда яратилаётган ҳар қандай ғоя: миллий инновациялар сифатида эътироф этилишига, ИТТКИларни мустақил ишлаб чиқаришга, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиш, рағбатлантиришга, инновациялар бўйича кўргазмалар, ярмаркаларни шакллантиришга ва бошқаларга эришилди.
3.	Глобаллашув даври: 2017 йил ва ҳозирги кунда	Инновацион ривожланиш вазирилигини ташкил этишга, бу орқали инновацияларни кичик қисмидан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган қисмини маҳаллийлаштиришга, стартап лойиҳаларини инвесторлар томонидан молиялаштиришга, яратилаётган инновацияларда ахборот оқимининг юқорилашишига, инновацияларни молиялаштиришда замонавий механизмлардан фойдаланишга ва бошқалар.

Республикада инновацион инфратузилма ривожланишининг 3 босқичлик даврга бўлиб ўрганилиши асосида 1-босқич илмий-тадқиқот лойиҳаларини Ўзбекистон шароитида кузатилиши мумкин бўлган муаммоларга ечим топиш мақсадида қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцион муносабатларни янги ташкил этишга киришилди. 2-босқич ИТТКИларни маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Ихтирочи, инноваторларнинг ғоялари, ишланмалари инновацион ярмаркаларда тақдим этилиб, бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқаришга эришилди. 3-босқич янги Ўзбекистон шароитида шакллантирилиб, иқтисодиётда илм-фан мавқеини янада мустаҳкамлашга, илмий инновацион лойиҳаларни якуний маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришга эришиш ва уларни молиялаштиришда замонавий усуллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

Тадқиқот ишида республикада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан илмий инновацион лойиҳаларни амалга оширилиши, молиялаштириш кўрсаткичлари таҳлил этилган. Хусусан, республика бўйича илмий инновацион лойиҳаларни бюджет ҳисобидан молиялаштириш босқичма-босқич ортиб бориши натижасида, ҳудудларда ИТТКИларнинг

¹³ Муаллиф ишланмаси.

бажарилиши бўйича 2006-2019 йиллардаги кўрсаткичларнинг умумий ҳажми куйидаги 2-расмда акс этган.



2-расм. 2006-2019 йилларда ҳудудлар ва иш турлари бўйича ташкилотлар томонидан бажарилган ИТТКИлар ҳажми (млрд.сўм)¹⁴

2-расмга кўра, таҳлил этилаётган йилларда ҳудудларда ташкилотлар томонидан бажарилган жами ИТТКИлар ҳажми (4021,89 млрд.сўм)нинг улушига нисбатан энг қуйи кўрсаткичларни Сирдарё - 0,36 фоиз, Жиззах - 0,51 фоиз, Хоразм - 0,62 фоиз, Наманган - 0,76 фоиз, Қашқадарё - 0,84 фоиз ва бошқа вилоятларнинг улуш даражасини ортиб бориши кузатилди. Маълумки, инновацион муҳитни яратишда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг таъсир даражаси юқори бўлиб, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда таваккалчиликка қодир ҳисобланади. Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича махсус дастурлар яратилган бўлса-да, ҳудудлардаги инфратузилмаинг такомиллашмаганлиги натижасида бажарилган инновацион лойиҳаларнинг улуши юқорида қайд этилган вилоятларда 1 фоизга ҳам етиб бормаган. ИТТКИларни бажарилиш бўйича, юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри - 50,6 фоиз, Тошкент вил. - 8,1 фоиз, Фарғона вил. - 7,2 фоиз ва Навоий вил. - 4,9 фоизга тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда секторлар кесимидаги ИТТКИларни бажарилиши юзасидан ҳисоботлар таҳлили, 2-жадвалда келтирилганидек, 2012-2019 йилларда ИТТКИларни бажарилишига кўра натижалар куйидагича (2-жадвал).

Таҳлилларга кўра, 2012-2015 йилларда тадбиркорлик секторининг жами бажарилган ИТТКИлар ҳажмидаги улуши давлат секторидан кейинги ўринда бўлган. 2012-2015 йилларда тадбиркорлик секторининг ИТТКИ билан шуғулланган корхоналар сонининг 80 тадан 39 тагача камайиб кетиши, бажарилган ИТТКИлар ҳажмига юқори таъсир кўрсатмаган. Бу ҳолат 2012-2019 йилларда тадбиркорлик секторининг йиллар кесими бўйича бир маромда ўсиш суръатида бўлмаган бўлса-да, улар томонидан молиялаштирилган жами ИТТКИларни ҳажми йил сайин ўсиб бориб, илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши миллий инновацион

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

маҳсулотларнинг истеъмолчи учун таклиф этилишини кенгайтириши мумкин.


2-жадвал

2012-2019 йилларда секторлар кесимида ИТТКИларнинг бажарилиш ҳажми (ташкилотлар сони ва бажарилиш ҳажми)¹⁵

(бирликда, млрд.сўм)

йиллар	ўлчов бирлиги	Давлат сектори	Тадбиркорлик сектори	Олий таълим сектори	Хусусий ноtijорат сектор
2012	Сони / Ҳажми	146 / 115,96	80 / 57,04	85 / 28,42	2 / 0,96
2013	Сони / Ҳажми	142 / 137,0	72 / 73,29	85 / 32,19	5 / 1,85
2014	Сони / Ҳажми	177 / 137,87	34 / 98,5	92 / 41,8	3 / 2,41
2015	Сони / Ҳажми	183 / 153,1	39 / 133,51	92 / 48,4	9 / 4,84
2016	Сони / Ҳажми	191 / 154,7	152 / 197,7	85 / 68,26	9 / 5,43
2017	Сони / Ҳажми	181 / 154,6	121 / 215,74	78 / 73,07	9 / 6,5
2018	Сони / Ҳажми	289 / 185,4	220 / 414,5	146 / 74,03	13 / 6,07
2019	Сони / Ҳажми	118 / 314,69	121 / 429,18	64 / 106,72	1 / 2,8

Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлишининг хусусий секторга боғлиқлиги натижавийликка эришишнинг асоси бўла олади. Лекин инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги харажатларга нисбатан уларни тижоратлаштириш даражаси ўз даврида юқори кўрсаткичларни акс эттирмаслиги, маҳсулотга сарфланган харажатлар оқимини узоқ вақт давомида банд бўлиб қолиши, ишлаб чиқарувчининг келгусида бу турдаги товарларни ишлаб чиқаришдан воз кечишга ундайди. Хусусан, инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун қилинган харажатлар ва уларнинг тижоратлаштиришдан келиб тушган даромадларини таққослаб ўтиш мумкин.



3-расм. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан инновацион маҳсулотлар умумий ҳажми ва сотилишидан тушган даромадлар таҳлили (млрд.сўм)¹⁶

3-расмга кўра, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2017 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 95 фоизга ўсди. Янгича иқтисодий муҳитнинг яратилиши натижасида 2018-2019 йилларга келиб,

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

¹⁶ Муаллиф ҳисоб-китоби.

2017 йилга нисбатан мос равишда 67,7 ҳамда 72,5 фоизга ўсиш кузатилди. Тадқиқотга кўра, иқтисодиётдаги туб ислохотларнинг натижаси 2019 йилда ўзининг нишонасини бериб, бажарилган инновацион маҳсулотларнинг ҳажмига нисбатан тижоратлаштиришдан тушган даромад ортди.

Ҳозирги кунга қадар илмий-тадқиқот лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджетидан доимий равишда маблағ ажратилган бўлса-да, илм-фаннинг иқтисодиётда тутган ўрни етарли бўлмади. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцион боғлиқликдаги самарадорлик паст баҳоланди. Бюджетдан маблағ ажратилиши муаллиф ғоясини тақдим этгач, уни самарадорлиги прогноз қилиниб, молиявий қўллаб-қувватланган ва натижада илмий-тадқиқот лойиҳаси мақола ёки қўлланма шаклида чегаралиниб қолган.

Шуни инобатга олиб, миллий инновацион тизимни янада такомиллаштириш, модернизациялаш, илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, маҳсулотга йўналтирилган илмий инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва натижадорлигини ошириш мақсадида давлат буюртмаси механизмидан фойдаланиш таклиф этилди.



4-расм. Илмий, инновацион лойиҳаларга давлат буюртмаси механизми¹⁷


Давлат буюртмаси – иқтисодий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиш механизми бўлиб, унинг ҳар бир босқичларини тўлиқ ўтиши учун ресурслар самарадорлигига эришиш сифат жиҳатидан янги омилларни шакллантириш ва юқори интеграцияллашувга эришиш орқали инновацион маҳсулотларни молиялаштириш имконини беради. Қайта алоқа тамойилига кўра, сифат ва миқдорий ўзгаришлар такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлат буюртмасига таъсир кўрсатиб, мамлакат иқтисодиёти инновацион асосда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши тезлашади.

Ушбу механизмни жорий этилиши натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари доирасида умумий қиймати 16,1 млрд.сўм бўлган лойиҳалар бажарилмоқда.

Тадқиқот иши давомида республикада хусусий сектор томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва инновацион маҳсулотларни

¹⁷ Муаллиф ишланмаси.


ишлаб чиқаришдаги иштирокини аниқлаштириш мақсадида “Инновацион жараёнларни молиялаштиришга таъсир қилаётган омиллар ҳолати” мавзусида саволномалар тақдим этилди.



5-расм. Корхонангиз ялпи тушумида инновацион маҳсулотларни улуши неча фоизни ташкил этади?

Таҳлилларга кўра, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни инновация сифатида эътироф этилиш ҳолати юқори даражада эмас. Чунки, айнан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш эмас, балки дунё бозоридаги мавжуд товарларни нусхалари ёки дизайн жиҳатдан ўзгартирилган, функционал жиҳатдан эса, бир хил механизмни бажармоқда. Хулоса қилиш мумкинки, корхоналарда кадрлар малакасининг етишмаслиги, инсон капиталига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, технологияларнинг доимий равишда модернизация қилинмаслик ҳолатлари ва бошқалар кузатилмоқда.

Ҳозирги кун иқтисодиётида кузатилаётган инфляция суръатларининг нисбатан юқорилиги инновацион жараёнларни молиялаштиришда яна бир қатор самарали механизмларни қўллашни талаб этади. Ана шундай самарали механизмлардан бири сифатида маҳаллий ва хорижий инвестицияларга тўхталиб ўтиш жоиздир (6-расм).



6-расм. Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни инвестициялар асосида молиялаштириш (млрд.сўм)¹⁸

Қайд этиш жоизки, инновацион жараёнларни молиялаштиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти 2019 йилда, аввалги йилга нисбатан 86 фоизга, 2017 йилга нисбатан эса, 24 фоизга ўсди. Умуман олганда, сўнгги 10 йилликдаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, инновацион ишланмаларни хорижий инвесторлар томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳамда молиялаштиришда юқори даражага эришганлигини кўриш мумкин.

¹⁸ Муаллиф ҳисоб-китоби.

Бунга кўра, тадқиқотчи томонидан инвестиция маблағларини жалб қилишда ва уларнинг инновацион маҳсулотларни молиялаштиришдаги таваккалчиликни юмшатиш мақсадида инвестицион бошқарув компанияларини ташкил этиш таклиф этилган (7-расм).



7-расм. Инвестицион бошқарув компанияларини фаолиятини ташкиллаштириш¹⁹

Муаллиф фикрича, инновацион жараённинг ҳар бир босқичи учун алоҳида молиявий ресурсларни марказлаштирилган равишда жалб қилишни назарда тутувчи молиялаштириш механизми микро эмас, балки иқтисодийнинг макро даражасида шакллантирилиши лозимлиги таъкидланган. Макродаражада инновацион жараённинг иштирокчиларини ўз ичига олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилади.

Қайд этиш жоизки, инновацион жараёнларнинг ҳар босқичини молиялаштиришда турли усуллари қўллаш имкониятларини такомиллаштириш ва анъанавий механизмларни замон талаблари асосида ривожлантириш даркор. Бундан ташқари инновацияларни молиялаштиришда юқори хатар омилларини юмшатиш бўйича бир қатор ишлар олиб бориш талаб этилади. Чунки кичик корхоналарнинг инновацион лойиҳалар учун молиявий ресурслар жалб қилишда ўз маблағларининг етишмаслиги республикада якуний турдаги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришда давлат иштирокининг сақланиб қолишига асос бўлади.


